

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛМАТОВА ШИРИН ШУҲРАТ ҚИЗИ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ВА ГЕСТАЦИОН ДИАБЕТИ БЎЛГАН
ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТАБИИЙ ТУҒРУҚ ЙЎЛЛАРИ ОРҚАЛИ
ТУҒРУҚ ПАЙТИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ЙИРТИЛИШINI
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.03 - Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холматова Ширин Шухрат қизи

Қандли диабет ва гестацион диabetи бўлган ҳомиладор аёлларда табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ пайтида юмшоқ тўқималарнинг йиртилишини олдини олиш ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Холматова Ширин Шухрат қизи

Особенности профилактики и лечения разрывов мягких тканей при влагалищных родах у женщин с сахарным и гестационным диабетом... 29

Kholmatova Shirin Shukhrat qizi

Features of prevention and treatment of soft tissue ruptures during vaginal delivery in women with diabetes mellitus and gestational diabetes 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛМАТОВА ШИРИН ШУҲРАТ ҚИЗИ

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ВА ГЕСТАЦИОН ДИАБЕТИ БЎЛГАН
ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТАБИИЙ ТУҒРУҚ ЙЎЛЛАРИ ОРҚАЛИ
ТУҒРУҚ ПАЙТИДА ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ЙИРТИЛИШINI
ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.03 - Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Tib3470 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган

Илмий раҳбарлар:

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Тельман Толяганович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Муратова Шахло Тахиржановна
тиббиёт фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларини касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жаҳонда қандли диабет (ҚД) ва гестацион диабет (ГҚД) касалликлари тез суръатда ўсиб бормоқда. Халқаро диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, дунёда катталар ўртасида ҚД тарқалиши 10 % дан ошган, гестацион диабет эса ўртача 14 % гача учрайди. Ушбу касалликлар юрак-қон томир, буйрак ва кўз асоратлари, шунингдек, акушерлик ва перинатал мураккаблиklar хавфини сезиларли оширади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ҳам ҚД ва ГД тарқалиши юқори даражада сақланмоқда. Россия, Қозоғистон ва Беларусда ҚД тарқалиши 6–9 % ни ташкил этса, гестацион диабет 3–6 % гача учрайди. Ўзбекистонда эса турли тадқиқотларга кўра, ҚД тарқалиши тахминан 4–5 % ни, ГҚД эса айрим ҳудудларда 10,5 % гача етиши аниқланган. ҚД ва ГҚД муаммоси аҳолининг репродуктив саломатлиги, туғруқ жараёни, перинатал натижалар ва соғлиқни сақлаш тизими юки билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу ҳолатлар уларни ўрганиш ва самарали профилактика усуллари ишлаб чиқишни долзарб масалага айлантирмоқда.¹

Туғруқ жараёнида кўп учрайдиган муаммо – туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималари (бачадон бўйни, қин ва оралик) шикастланишларидир. Бу акушерлик шикастланишлари онанинг кейинги репродуктив саломатлигига ҳам жиддий хавф солади (Кулаков В.И., 2007; Young B., 2010).

Адабиётлар таҳлилига кўра, ҚД ёки ГҚД билан оғриган аёлларда жинсий йўллар шикастланишларининг сабаб ва даволаш хусусиятлари етарли ўрганилмаган.

Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли фармони ("Ҳаракатлар стратегияси"), 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли фармони ("Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари") ва 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071 қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологилари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ экспертлари маълумотларига кўра, дунёда 500 млн.дан ортиқ одам қандли диабет билан касалланган бўлиб, бу рақам йил сайин ортиб бормоқда. 1989-йилда қабул қилинган Сент-Винсент декларациясида белгиланган мақсадлардан бири ҚД билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик натижалари соғлом аёлларникига максимал даражада яқин бўлиши кераклиги таъкидланган. ҚД МДХ мамлакатларида энг долзарб тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

¹ WHO. Classification of cystic fibrosis and related disorders, Report of a Joint Working Group of WHO/ICF(M)/A/ECFS/ECFTN: 2001. Geneva: URL <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/10421275>

Эпидемиологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, ушбу ҳудуддаги аҳолининг 4 % дан 10 % гача бўлган қисмида ҚД II тури кузатилади. Масалан, Озарбайжонда расмий статистикага кўра, ҚД билан касалланганлар сони 300 минг кишини ташкил этади, бу эса умумий аҳолининг тахминан 3 % ини ташкил қилади. Ўзбекистонда ҳам II турдаги диабетнинг тарқалганлик кўрсаткичи худди шундай даражада бўлиб, бу аҳолининг ёши, ҳаёт тарзи ва метаболик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасига кўра, ГД нинг МДХ мамлакатларидаги, тарқалганлик кўрсаткичи ўртача 2–6 % ни ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистоннинг Наманган ва Андижон вилоятларида олиб борилган кузатувларда ГҚД ҳолатлари 10,5 % гача етгани аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич глобал миқёсдаги ўртача даражага мос келади.

Инсулинотерапия давригача бундай аёлларда ҳомиладорлик ҳолати 5 % дан ошмаган (Назарова С.И. ва муаллифдошлар, 2012), шу билан бирга, бу ҳолатларда оналар ўлими 50 % гача, перинатал ўлим еса 90 % гача етган. Шу муносабат билан, маҳаллий тиббиёт фанининг ва амалий соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб вазифаларидан бири - физиологик туғруқ вақтида юмшоқ тўқималар йиртилишини олдини олиш ҳамда туғруқ жараёнини юритиш бўйича самарали илмий асосланган тактик ёндашувни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан 2019-2023-йиллар давомида амалга оширилган “Ҳомиладорликда юзага келадиган асоратларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади қандли ва гестацион диабет билан касалланган ҳомиладор аёлларда табиий туғруқ вақтида туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималарида рўй берадиган йиртилишларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, уларни даволаш ва профилактика қилиш усулларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнида ҚД ва ГҚД касаллиги бўлган аёлларда туғруқ йўллариининг жароҳатланишига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш;

ҚД ва ГҚДга чалинган аёлларда туғруқ йўллариининг шикастланиши ҳолатларидада ЛДГ, КФК ва гомоцистеиннинг эрта диагностикадаги аҳамиятини баҳолаш;

углевод алмашинуви бузилган, туғруқ пайтида туғруқ йўллари жароҳатланган аёлларда туғруқдан кейинги даврда микробиоценоз ҳолатининг тикланиш хусусиятларини баҳолаш;

углевод алмашинуви бузилган аёлларда туғруқ жараёнида туғруқ йўллари юмшоқ тўқималарининг йиртилишини профилактика қилиш ва даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган 117 нафар ҳомиладор аёллар (ретроспектив таҳлил) ва 37 нафар ҳомиладор (проспектив таҳлил) бўлиб, барчасида ҚД ёки ГҚД аниқланган. Таққослаш гуруҳи: 25 нафари туғруқ вақтида қин юмшоқ тўқималари йиртилишига эга аёллар; назорат гуруҳи: 20 нафар физиологик туғруқни бошидан кечирган аёллар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қонда глюкоза миқдорини аниқлаш, махсус лаборатор таҳлиллар қонда КФК, ЛДГ, гомоцистеин миқдорини аниқлаш олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Антропометрия (бўй, вазн, ТВИ), лаборатория таҳлиллари, инструментал усуллар (УТТ), статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туғруқ йўллари шикастланишига оид анамнез маълумотлари, туғруқнинг кечиши, илгари кузатилган шикастланишлар ва уларнинг асоратларини прогноз қиймати бўйича ишлаб чиқилган сўровнома асосида: 54% ҳолатда - ЮТЙ ривожланиши хавфи паст, 22% ҳолатда - ўрта, 24% ҳолатда - юқори даражада эканлиги комплекс ва таққослаш таҳлиллар асосида исботланган;

углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда туғруқ вақтида юмшоқ тўқималар йиртилиши ривожланишида тўқима маркерлари - лактатдегидрогеназа (ЛДГ), креатинфосфокиназа (КФК) ва гомоцистеин кўрсаткичлари ошишинининг (ЛДГ >360 Е/Л; КФК >180 Е/Л) патогенетик роли исботланган;

ҚД ва ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўлларининг шикастланишини эрта аниқлаш ва прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган янги диагностик мезонларни қўллаш асосида туғруқ йўллари юмшоқ тўқималари йиртилишининг учраш частотасини 6,1% га камайтириши исботланган;

углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўлларнинг юмшоқ тўқималари йиртилишини олдини олишда ишлаб чиқилган даволаш ва профилактика усулларининг қўлланилиши туғруқда шикастланишини 16,9% га камайтиришдаги ва туғруқдан кейинги даврнинг яхши ўтишини таъминлашдаги самарадорлиги клиник жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

углевод алмашинуви бузилган, туғруқ йўллари шикастланиши хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар учун қин юмшоқ тўқималари йиртилишининг олдини олишга қаратилган тактик ёндашув ишлаб чиқилди, шунингдек, углевод алмашинуви бузилган репродуктив ёшдаги аёлларда туғруқ йўллари шикастланишини даволаш бўйича энг мақбул терапевтик усуллар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этиш учун асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот замонавий, клиник амалиётда синовдан ўтган тадқиқот усуллари — клиник, лаборатор-инструментал ва статистик ёндашувлар асосида тасдиқланган. Шунингдек,

ушбу тадқиқотда иштирок этган ҚД ва ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёлларнинг етарлича сони, олинган натижаларни назарий ва амалий билимлар асосида таҳлил қилиниши, уларнинг маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар билан таққосланиши ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан олинган хулосалар асосида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти углевод алмашинуви бузилган ҳолатда (ҚД ва ГҚД) ҳомиладор аёлларда туғруқ пайтида юмшоқ тўқималарнинг йиртилиши хавфи ошганлиги, шунингдек лактатдегидрогеназа (ЛДГ), креатинфосфокиназа (КФК) ва гомоцистеин биомаркерларининг ушбу жараёнда патогенетик ва диагностика омиллари сифатида муҳим эканлиги илмий асос билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат томонидан тасдиқланган институционал илмий-тадқиқот режаси доирасида олиб борилган бўлиб, натижалар ҳомиладорликда асоратларни ташхислаш ва олдини олиш бўйича клиник протоколларга интеграция қилиниш имкониятини бериш билан изоҳланади. Яратилган диагностика ва даволаш алгоритмларининг қўлланилиши туғруқдан кейинги асоратлар хавфини камайтириш, аёллар саломатлиги ва сифатли репродуктив натижаларни таъминлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қандли диабет ва гестацион диабети бўлган ҳомиладор аёлларда табиий туғруқ йўллари орқали туғруқ пайтида юмшоқ тўқималарнинг йиртилишини олдини олиш ва даволаш бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: туғруқ йўллари шикастланишига оид анамнез маълумотлари, туғруқнинг кечиши, илгари кузатилган шикастланишлар ва уларнинг асоратларини прогноз қиймати ишлаб чиқилган сўровнома асосида: 54% ҳолатда - ЮТЙ ривожланиши хавфи паст, 22% ҳолатда - ўрта, 24% ҳолатда - юқори даражада эканлиги комплекс ва таққослаш таҳлиллар асосида исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 29-январда №03/329-сон билан тасдиқланган «Факторы риска во время беременности и в течение родовой деятельности, приводящие к травматизации родовых путей в родах при сахарном диабете и гестационном сахарном диабете» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказининг Андижон 2025-йил 7-февралдаги №8-сон буйруқ асосида ва Хоразм филиаллари 2025-йил 10-февралдаги №13-сон буйруқ асосида амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025-йил 25-апрелдаги №16/04 сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган сўровнома орқали юмшоқ тўқималар йиртилиши хавфини прогноз қилишнинг ижтимоий самараси, юмшоқ тўқималар йиртилиш ҳолатларини камайтириш ва беморнинг соматик ҳолатини яхшилаш орқали рецидивлар сонини

камайтиришга олиб келади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган сўровномани жорий этишда иқтисодий самарадорлик умумий 50 нафар бемор учун бир маротабалик стационар даволанишнинг умумий харажатларидан 29966500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган сўровномадан фойдаланиш орқали бир нафар бемор учун бир маротаба стационар даволанишнинг умумий харажатларини 599 330 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда туғруқ вақтида юмшоқ тўқималар йиртилиши ривожланишида тўқима маркерлари - лактатдегидрогеназа (ЛДГ), креатинфосфокиназа (КФК) ва гомоцистеин кўрсаткичлари ошишинининг (ЛДГ >360 Е/Л; КФК >180 Е/Л) патогенетик ролининг исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 29-январда №03/329-сон билан тасдиқланган «Факторы риска во время беременности и в течение родовой деятельности, приводящие к травматизации родовых путей в родах при сахарном диабете и гестационном сахарном диабете» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисостлаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказининг Андижон 2025-йил 7-февралдаги №8-сон буйруқ асосида ва Хоразм филиаллари 2025-йил 10-февралдаги №13-сон буйруқ асосида амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025-йил 25-апрелдаги №16/04 сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ЛДГ, КФК ва гомоцистеин кўрсаткичларини аниқлаш туғруқ йўллари шикастланиш ҳолатлари кузатилганда туғруқдан кейинги даврда асоратларнинг учраш частотасини камайтиришга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** 62 нафар бемор учун бир маротабалик стационар даволанишнинг умумий харажатларидан 37158460 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ЛДГ, КФК ва гомоцистеин каби тўқима маркерлари даражаларининг ишончли ошиши туғруқ йўллари юмшоқ тўқималари йиртилиш хавфини аниқлашда қўлланилиши натижасида бир нафар беморга 599330 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: ҚД ва ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўлларининг шикастланишини эрта аниқлаш ва прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган янги диагностик мезонларни қўллаш асосида туғруқ йўллари юмшоқ тўқималари йиртилишининг учраш частотасини 6,1% га камайтиришининг исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 29-январда №03/329-сон билан тасдиқланган «Факторы риска во время беременности и в течение родовой деятельности, приводящие к травматизации родовых путей в родах при сахарном диабете и гестационном сахарном диабете» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисостлаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказининг Андижон 2025-йил 7-февралдаги №8-сон буйруқ асосида ва

Хоразм филиаллари 2025-йил 10-февралдаги №13-сон буйруқ асосида амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025-йил 25-апрелдаги №16/04 сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ҚД ва ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллари шикастланишини эрта прогнозлаш орқали асоратларни камайтириш, туғруқ жараёнини енгиллаштириш ва туғувчи аёл саломатлигини сақлаш имкониятини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** 62 нафар бемор учун бир маротабалик стационар даволанишнинг умумий харажатларидан 37158460 сўмни иқтисод қилиш имкониятини берган ва бир йиллик умумий иқтисодий самарадорлик 74316920 сўмга тенг бўлган. **Хулоса:** ҚД ва ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллариининг шикастланишини эрта аниқлаш ва прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган янги диагностик мезонларни қўллаш асосида бир нафар беморга 599330 сўм иқтисод қилиш имконини берган ва 1 йиллик умумий иқтисодий самарадорлик бир нафар бемор учун 1198660 сўмга тенг бўлган;

тўртинчи илмий янгилик: углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималари йиртилишини олдини олишда ишлаб чиқилган даволаш ва профилактика усуллариининг қўлланилиши туғруқда шикастланишини 16,9% га камайтиришдаги ва туғруқдан кейинги даврниинг яхши ўтишини таъминлашдаги самарадорлиги клиник жиҳатдан исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2025-йил 29-январда №03/329-сон билан тасдиқланган «Факторы риска во время беременности и в течение родовой деятельности, приводящие к травматизации родовых путей в родах при сахарном диабете и гестационном сахарном диабете» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисостлаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказининг Андижон 2025-йил 7-февралдаги №8-сон буйруқ асосида ва Хоразм филиаллари 2025-йил 10-февралдаги №13-сон буйруқ асосида амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025-йил 25-апрелдаги №16/04 сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** туғруқдан кейинги даврда ЮТЙларини даволашни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган даволаш усули субъектив симптоматикани (оғрик, ажралмалар ажралиши, қичишиш ёки ачиқиш ҳисси) камайтиришга, шунингдек, вагинал микробиоценозни тиклашга ва қонда ЛДГ, КФК ва гомоцистеин кўрсаткичларини пасайтиришга, туғруқдан кейинги даврниинг яхши ўтилишини таъминлашга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** 62 нафар бемор учун бир маротабалик стационар даволанишнинг умумий харажатларидан 37158460 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималари йиртилишини олдини олишда ишлаб чиқилган даволаш ва профилактика усуллариининг

қўлланилиши асосида бир нафар беморга 599330 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий - амалий анжуманда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 4 та мақола, жумладан, 3 та республика, 1 та хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унинг илмий ҳамда амалий жиҳатдан зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Ушбу иш Республикада фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос экани кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий қиймати очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш имкониятлари баён этилган. Шунингдек, диссертация бўйича нашр этилган илмий ишлар ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қандли ва гестацион диабет билан хасталанган аёлларда табиий туғруқ вақтида юмшоқ тўқималар йиртилиши муаммосининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ушбу муаммонинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. ҚД ва ГҚД билан хасталанган аёлларда табиий туғруқ пайтида туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималарида юзага келадиган йиртилишлар (ЮТЙ) тарқалиши, этиологияси ва хавф омилларига оид илмий тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ушбу муаммонинг ҳали ечимини топмаган ёки қўшимча тадқиқотларни талаб қилувчи жиҳатлари аниқлаб берилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материали ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар ҳамда тадқиқотда қўлланилган усулларнинг умумий тавсифи келтирилган.

Тадқиқотнинг ретроспектив қисми 2017–2021 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги Республика Перинатал марказида амалга оширилган.

Тадқиқот уч босқичда ташкил этилган:

1-босқич ретроспектив таҳлил сифатида ҚД ва ГҚД билан хасталанган ҳамда табиий туғруқ орқали туғган 662 нафар ҳомиладор аёлнинг туғруқ тарихи ўрганилди. Уларнинг 164 нафарида туғруқ йўллариининг ЮТЙ да

турли даражадаги йиртилишлар қайд этилган, 498 нафар аёлда эса бундай асоратлар кузатилмаган.

ҚД ва ГҚД билан хасталанган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ даврида туғруқ йўлларининг шикастланишига сабаб бўлувчи хавф омилларини аниқлаш мақсадида, туғруқ вақтида ЮТЙ қайд этилган 117 нафар аёлнинг туғруқ тарихи танлаб олинди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқотда қатнашган 117 нафар аёл орасида 32 нафарида (20,6%) 1-тур ҚД (касаллик давомийлиги 5 йилдан 16 йилгача, ўртача $9,8 \pm 1,2$ йил), 20 нафарида (12,9%) 2-тур ҚД (касаллик давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача, ўртача $2,8 \pm 0,4$ йил), 65 нафар аёлда (41,9%) эса ГҚД аниқланган.

Таққослаш учун танланган гуруҳ - туғруқ даврида ЮТЙ қайд этилган, физиологик туғруқни бошдан кечирган 38 нафар аёллардан иборат бўлди.

Назорат гуруҳи физиологик туғруқни бошдан кечирган, туғруқ даврида ЮТЙ қайд этилмаган ва 50 нафар соғлом ҳомиладор аёлдан ташкил топди.

II босқич туғруқ вақтида ҚД ва ГҚД фонида туғруқ йўлларининг шикастланиши кузатилган аёлларда ЛДГ, КФК, гомоцистеин даражалари ҳамда кин микрофлорасининг диагностик аҳамиятини баҳолашга қаратилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ, 62 нафар ҳомиладор аёл иштирокида проспектив, рандомизацияланмаган, назоратли ва очиқ кузатув ўтказилди. Уларнинг 37 нафарида қонда глюкоза даражаси юқори бўлиб, шундай таркибда тақсимланган: ГҚД билан - 9 нафар, ҚД-1 билан - 16 нафар, ҚД-2 билан - 12 нафар.

Таққослаш гуруҳига қонда глюкоза миқдори ошмаган, аммо туғруқ пайтида туғруқ йўлларида ЮТЙ қайд этилган 25 нафар ҳомиладор аёл киритилди.

Прспектив тадқиқотнинг учинчи босқичини амалга ошириш мақсадида туғруқдан кейинги 3-4 сутка мобайнида ҚД ва ГҚД фонида туккан жами 72 нафар аёл - 37 нафар (асосий гуруҳ) ва 35 нафар (ретроспектив таққослаш гуруҳи) тиббий кўрикдан ўтказилди.

Асосий гуруҳни ҚД ва ГҚД фонида табиий туғруқ пайтида оралик соҳасида шикастланишлар аниқланган 37 нафар аёл ташкил этди. Ушбу аёлларга туғруқдан кейинги даврда қуйидаги даволаш муолажалари буюрилди: ҳар куни бир марта қинга қўллаш учун намлантирувчи ва тўқима регенерациясини рағбатлантирувчи хусусиятга эга “Эмалан” гели, кунига икки марта, овқат пайтида перорал қабул қилиш учун 1 гр дан 2 маҳал аргинин препарати ва маҳаллий магнитотерапия муолажалари.

Таққослаш гуруҳи — ҚД ва ГҚД фонида туғруқ вақтида оралик соҳасида шикастланишлар кузатилган 35 нафар аёлдан иборат бўлиб, уларга туғруқдан кейинги даврда умумқабул қилинган стандарт даволаш ёндашувлари қўлланилди.

Туғруқ жараёнини ўрганишда қуйидаги клиник омиллар ҳисобга олинди: туғруқнинг ўз вақтида бошланиши, туғруқ даврининг давомийлиги, қоғоноқ сувларининг чиқиш усули ва сифат хусусиятлари, шунингдек, сувсиз оралик даврнинг узунлиги.

Тадқиқот давомида Глюкоза алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларни туғруқча ва туғруқдан кейин кузатиш ва бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди.

Глюкоза алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларни туғруқча ва туғруқдан кейин кузатиш ва бошқариш алгоритми

Амбулатор боскич		
ПГТТ ёрдамида ГҚД аниқланган ҳолларда ўзини назорат қилиш кундалиги юритилиши, индивидуал овқатланиш режаси тузилиши ва гликемия даражасини коррекция қилиш тадбирлари амалга оширилади. Бошланғич боскичда енгил ўзлашадиган углеводлар миқдори чекланган парҳез ва меёрий жисмоний фаоллик тавсия этилади. Агар гликемиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришилмаса, аёлда Метформин препарати 500-1000 мг дозада 1 кунда 2 маҳал буюрилади, кўриш билан боғлиқ ёки буйрак билан боғлиқ бўлган патологик белгилар пайдо бўлса, офталмолог ва нефролог кўриги буюрилади. ҚД 1 ҳолатида: бемор доимий равишда базал-болус схемаси бўйича инсулин терапияси олади. Ҳомиладорлик даврида инсулин дозаси эҳтиёждан келиб чиқиб индивидуал равишда мослаштирилади. Бемор қатъий тартибда эндокринолог “Д” назоратига олинади. ҚД 2 ҳолатида: агар парҳез ва жисмоний фаоллик фонида гликемияни назорат қилиш самарасиз бўлса, инсулин терапиясига ўтилади. Перорал антигипергликемик воситалар кўп ҳолларда тўхтатилади. Глюкоза алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларни амбулатор кузатув даврида, ҳомиладорликнинг 36–37 ҳафталарида, ҳомила ва она тўқималаридаги биохимик ва метаболик жараёнларни оптималлаштириш ҳамда туғруқ пайтида юз бериши мумкин бўлган юмшоқ тўқималар йиртилишини олдини олиш мақсадида, аргинин кукун холида 1 гр дан кунига 2 марта, 10 кун давомида тавсия этилади.		
Туғруқдан кейинги давр		
Туғруқдан сўнгги кейинги суткада муаммоли соҳаларга таъсир этиш мақсадида кам частотали портатив аппарат «МАГ-30» ёрдамида магнитотерапия ўтказилди. Биринчи режим қўлланилди, сеанс давомийлиги – 20 дақиқа. Илк 2 муолажа куйидаги схема асосида амалга оширилди: 5 дақиқа – магнит индукцияси интенсивлиги 100%, қолган 15 дақиқа – 30%. Учинчи муолажадан бошлаб муолажа якунигача магнит индукцияси 50% даражада барқарор сақланади. Ҳомиладорликдан кейинги даврда қин шиллик қаватининг эластиклигини ва юмшоқлигини тиклаш мақсадида "Эмалан" гели 2 маҳал, 15 кун давомида буюрилди. Аргинин кукун холида 1 гр дан кунига 2 марта, 10 кун давомида тавсия этилади.		
ГҚД Метформин 500 мг – кунига 2 марта овқат вақтида қабул қилинади. Диетотерапия ва жисмоний фаоллик тавсия этилади.	ҚД 1 билан оғриган ҳомиладор аёлларда туғруқдан кейин қисқа муддат таъсир этувчи инсулин буюрилади. Дозаси қонда қанд миқдори ва қабул қилинаётган овқат турига қараб белгиланади.	ҚД 2 аёлларда туғруқдан кейин Метформин 500 мг кунига 2 маҳал буюрилади. 1 ойлик назоратдан сўнг, агар қонда глюкоза даражаси >7,0 ммоль/л дан бўлса: узоқ муддат таъсир этувчи инсулин соат 22:00 да; овқатдан сўнг қисқа муддат таъсир қилувчи инсулин, кунига 3 марта буюрилади. Дозаси қонда қанд миқдори ва қабул қилинаётган овқат турига қараб белгиланади

Диссертациянинг “Қандли диабет ва гестацион диабет билан хасталанган ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва туғруқ даврида туғруқ йўллариининг шикастланишига олиб келувчи хавф омилларининг ретроспектив таҳлили” деб номланган учинчи бобида ҚД ва ГҚД билан хасталанган аёлларда туғруқ пайтида туғруқ йўллари шикастланишига олиб келадиган хавф омиллари ёритилган.

2017–2021 йиллар давомида Республика Перинатал марказида қайд этилган тиббий ҳужжатлар ретроспектив таҳлил қилинди. Ушбу давр мобайнида жами 32 564 та туғруқ қайд этилган бўлиб, уларнинг 2 279 тасида (7,0%) гипергликемия ҳолатлари аниқланган. Ушбу ҳолатларнинг 1 240 тасида (54,4%) ГҚД, 294 тасида (12,9%) ҚД-1 ва 745 тасида (32,7%) ҚД-2 ташхис қилинган. Ушбу беморларнинг 662 нафарида туғруқ табиий йўл орқали амалга оширилган.

ҚД ва ГҚД ташхиси қўйилган, табиий туғруқ орқали туғган аёллар орасида туғруқ йўллариининг ЮТЙ ҳолатлари 24,8% ҳолларда (яъни 164 нафар аёлда) кузатилган. Солиштирма равишда, углевод алмашинуви бузилишисиз табиий йўл билан туғган аёллар орасида бу кўрсаткич 12,4% ни (3 755 нафар туққан аёл) ташкил этган.

Шу тариқа, гипергликемияси мавжуд ҳомиладор аёллар орасида туғруқ йўллариининг юмшоқ тўқималарида йиртилиш ҳолатлари икки баробар юқори кузатилгани аниқланди ($P < 0,05$).

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, туғруқ ЮТЙ лар 1-тур ҚД билан хасталанган аёлларнинг 20,1% да (яъни 164 нафар беморнинг 33 нафарида), 2-тур ҚД билан хасталанган аёлларнинг 32,3% да (53 нафарда) ва ГҚД ташхиси қўйилган аёлларнинг 47,6% да кузатилган.

Олинган статистик маълумотлар 1-жадвалда баён этилган.

1 жадвал

Туғруқ йўллари шикастланган тўқималарнинг анатомик жойлашувига қараб туққан аёлларнинг таркибий тақсимооти (n=117)

Гуруҳлар	Бачадон бўйни		Қин		Оралик	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
ГҚД, n=65	13	20	23	35,4	29	44,6
ҚД 1-тур, n=32	9	28,1	10	31,3	13	40,6
ҚД 2-тур, n=20	5	25,0	7	35,0	8	40,0
Таққослаш гуруҳи, n=38	8	21,1	14	36,8	16	42,1

Қўшимча таҳлиллар (2-жадвал) натижаларига кўра, ГҚД ҳолатида бачадон бўйни ҳамда I даражали оралик йиртилишлари ишончли даражада камроқ учрагани аниқланди ($P < 0,01$). Шу билан бирга, II даражали йиртилишлар нисбатан кўпроқ — 80,9% ҳолатда, III даражали йиртилишлар эса 19,0% ҳолатда (8 нафар ҳомиладор аёлда) кузатилган.

1- ва 2-тур ҚД ҳолатида эса энг кўп қайд этилган йиртилишлар II даражали бўлиб, мос равишда 45,5% ва 40,9% ни ташкил этган ($P < 0,05$).

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 1- ва 2-тур ҚД бўлган ҳомиладорларда оралик ва бачадон бўйни юмшоқ тўқималарининг III даражали

йиртилишлари ГҚД билан хасталанган аёлларга нисбатан ишончли даражада юқори қайд этилган.

Таққослаш гуруҳига мансуб аёллар орасида туғруқ даврида I даражали йиртилишлар устунлиги ишончли даражада аниқланган бўлиб, уларнинг учраш частотаси 50,0% ни ташкил этган ва бу кўрсаткич асосий гуруҳга нисбатан анча юқори экани қайд этилган ($P < 0,05$).

Шунингдек, II ва III даражали йиртилишлар учраш частотаси таққослаш гуруҳидаги аёллар орасида анча паст экани кузатилган ($P < 0,05$).

Умумлаштирилган ҳолда, туғруқ жараёнида ЮТЙлари ва уларнинг даражасига қонда юқори глюкоза даражаларининг таъсири мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин ($r = 0,896$; $p = 0,003$).

2 жадвал

Углевод алмашинуви бузилиш турига қараб оралик ва бачадон бўйни ЮТЙ лари учраш частотасининг даражаси (n=102)

Гуруҳлар	I даражали йиртилишлар		II даражали йиртилишлар		III даражали йиртилишлар	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
ГҚД, n=42	8	19,0**, ***^	26	61,9**	8	19,0**, ***^
ҚД1-тур, n=22	3	13,6*^	10	45,5*, ***^	9	40,9*^
ҚД 2-тур, n=13	2	15,4*^	6	46,2*, **	5	38,5*^
Таққослаш гуруҳи, n=24	12	50,0*, **, ***	10	41,7*, **, ***	2	8,3*, **, ***

Изоҳлар: *маълумотларнинг ишончли фарқи ГҚД билан хомиладор аёллар кўрсаткичлари билан солиштирилганда аниқланган ($P < 0,05$);

** — маълумотларнинг ишончли фарқи 1-тур ҚД билан хомиладор аёллар кўрсаткичлари билан солиштирилганда аниқланган ($P < 0,05$);

*** — маълумотларнинг ишончли фарқи 2-тур ҚД билан хомиладор аёллар кўрсаткичлари билан солиштирилганда аниқланган ($P < 0,05$);

^ — маълумотларнинг ишончли фарқи таққослаш гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда аниқланган ($P < 0,05$).

Йиртилишлар ҚД билан хасталанган, биринчи мартда туғувчи аёлларда 62,8% да, қайта туғувчилар орасида 37,2% да кузатилган.

Таққослаш гуруҳи аёлларининг ўртача ёши $28,01 \pm 0,39$ ёшни, асосий гуруҳдаги аёллар ёши $32,6 \pm 0,57$ ёшни ташкил этган ($P < 0,001$).


ҚД билан хасталанган аёлларда туғруқ вақтида ёшнинг 30 ёшгача бўлиши туғруқ йўллариининг ЮТЙ ривожланиши учун ҳавф омили сифатида аниқланган ($RR = 0,641$; $\chi^2 = 12,6$; $P < 0,05$). ЮТЙ қайд этилган аёлларда ортиқча тана вазни (Тана вазни индекси - ТВИ > 25 кг/м²) ва семизлик (ТВИ > 30 кг/м²) ҳолатлари назорат гуруҳи (НГ) кўрсаткичларига нисбатан ишончли даражада юқори учрагани аниқланди ($RR = 0,641$; $\chi^2 = 10,2$; $P < 0,05$). ҚД1 билан хасталанган аёллар орасида бу ҳолат 4,6 баробар кўп қайд этилган ($P < 0,01$).

Кузатувдаги аксарият аёлларда анемия (камқонлик) аниқланган бўлиб, бу ҳолат ЮТЙ қайд этилган аёлларда НГга нисбатан 6,6 баробар ($P < 0,01$), таққослаш гуруҳи (ТГ)га нисбатан эса 2,6 баробар ($P < 0,05$) кўпроқ кузатилган. Анемия, ЮТЙ ривожланишида муҳим ҳавф омили сифатида қайд этилган ($RR = 0,884$; $\chi^2 = 16,2$; $P < 0,01$).

Анамнезда туғруқлар ****асосий гуруҳ аёлларининг 71,8%****ида қайд этилган бўлиб, уларда эрта туғруқлар ҳолати ТГ нисбатан 12,3 баробар ($RR=0,851$; $\chi^2=15,7$; $P<0,05$), НГ нисбатан эса 8,7 баробар ($RR=0,786$; $\chi^2=16,2$; $P<0,05$) кўпроқ учради. ТГ билан солиштирганда ҳам бу ҳолат ишончли даражада юқорилиги аниқланди ($RR=0,636$; $\chi^2=12,2$; $P<0,05$).

Шу тариқа, АГдаги ҳомиладор аёлларда очлик ҳолатида қонда глюкоза даражаси ўртача $5,7 \pm 0,3$ ммоль/л ни ташкил қилган, бу эса ТГдаги $5,0 \pm 0,2$ ммоль/л га нисбатан ишончли даражада юқори ҳисобланади ($P<0,05$). НГда эса ушбу кўрсаткич $4,3 \pm 0,1$ ммоль/л ни ташкил этади.

Глюкоза юкламасидан кейин АГда қондаги гликемия $12,3 \pm 0,2$ ммоль/л ни, ТГда - $9,2 \pm 0,2$ ммоль/л ни, НГда эса - $8,5 \pm 0,1$ ммоль/л ни ташкил этган (1-расм).



1-расм. Тадқиқот гуруҳларида қонда глюкоза миқдорининг ўртача кўрсаткичлари

Спонтан туғруқ фаолияти бошланган пайтдаги ҳомиладорлик муддати барча гуруҳларда ўзаро таққосланадиган даражада бўлиб, мос равишда: АГда - $39,10 \pm 0,27$ ҳафта, ТГда - $39,09 \pm 0,25$ ҳафта, НГда $39,09 \pm 0,18$ ҳафта этиб белгиланди.

Туғруқ фаолияти бошланган аёлларда бачадон бўйнининг "етилганлик" даражаси туғруққа биологик тайёргарликнинг интеграл кўрсаткичи сифатида баҳоланди. АГдаги аёлларнинг 78%и туғруқхонага туғруқ фаолияти бошланиши белгилари билан келган бўлса-да, уларда бачадон бўйнининг етилганлик даражаси нисбатан паст - ўртача $7,58 \pm 0,25$ балл экани аниқланди. Бу кўрсаткич ТГга нисбатан анча паст бўлиб, унда ўртача $11,03 \pm 0,18$ балл ташкил этган ($p<0,001$).

Бишоп шкаласи асосида баҳоланганганда, туғруқнинг фаол босқичида бачадон бўйни етилганлиги $7,47 \pm 0,22$ балл (8 баллдан кам) бўлиши, ГҚД мавжудлигидан қатъий назар, ЮТЙ ривожланиши хавфи билан боғлиқ экани аниқланди. Туғруқнинг биринчи босқичида АГдаги аёлларда миометрий қисқариш кучининг энг паст қиймати $26,07 \pm 0,69$ мм симоб устуни, бу кўрсаткич ТГда $28,5 \pm 0,64$ мм симоб устунини, НГда $33,61 \pm 0,42$ мм симоб устунини ташкил этади.

Туғруқнинг биринчи босқичида қайд этилган $26,07 \pm 0,69$ мм симоб устуни микдоридаги миометрий қисқаришлари туғруқ вақтида ЮТЙнинг башорат қилиш имконини берувчи омил, деб хулоса қилиш мумкин.

>4000 грамм вазнга эга ҳомила ҳолатлари ҚД1 бўлган аёлларда 28,1% ва ҚД2 ҳолатларида 25,0%да ишончли даражада кўпроқ кузатилди. ГҚД ҳолатида бу кўрсаткич 18,5%ни ташкил қилган бўлса, ТГда эса фақат 10,5% ҳолатда аниқланган. Олинган маълумотларга асосан, углевод алмашинуви бузилиши шароитида йирик ҳомила ЮТЙ юзага келишида хавф омили ҳисобланади ($RR=0,785$; $\chi^2=13,4$; $P<0,01$).

АГ даги аёлларда туғруқ вақтида қондаги глюкоза даражаси туғруқхона бўлимига келганда юқори - ўртача $5,4 \pm 0,14$ ммол/л бўлгани қайд этилди ($p < 0,001$), бу ТГдаги мос кўрсаткичга нисбатан юқори бўлиб, у $4,72 \pm 0,15$ ммол/л ни ташкил этди.

АГ даги аёлларда туғруқ жараёнида глюкоза даражасининг ошиши айрим ҳолларда кўшимча инсулинотерапияни талаб этган. Бизнинг тадқиқот натижаларига кўра, гликемия даражасининг 16% ёки ундан ортиқ микдорда ошиши (яъни $4,72 \pm 0,25$ ммол/л дан $5,4 \pm 0,14$ ммол/л гача) ва шу билан бирга кўшимча инсулин буюриш зарурати табиий туғруқ пайтида ЮТЙ ривожланиш хавфини олдиндан башорат қилувчи клиник-прогностик омил ҳисобланади.

Тадқиқот доирасида ГҚД билан оғриган аёлларда ЮТЙ ривожланиш хавфини баҳолаш мақсадида махсус сўровнома шаклидаги хавф гуруҳи индикатори ишлаб чиқилди. Мазкур сўровномага ЮТЙнинг ишончли статистик аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари киритилди (3-жадвал).

Углевод алмашинуви бузилган 50 нафар ҳомиладор аёл амалдаги ҳомиладорлик бўйича акушер-гинекологга мурожаат қилган пайтда ушбу сўровномадан ўтказилди.

Дастлабки баҳолаш натижасига кўра, 27 нафар аёлда физиологик туғруқ давомида туғруқ йўллари ЮТЙ ривожланишининг паст хавфи аниқланган бўлиб, бу умумий гуруҳнинг 54% ни ташкил этди. Ушбу аёлларда тўпланган балл ўртача $3,8 \pm 0,02$ баллни ташкил этди.

Шу билан бирга, 23 нафар аёлда ўртача $11,5 \pm 0,1$ балл тўпланган бўлиб, бу ЮТЙ ривожланиш хавфининг юқори даражада эканлигини кўрсатди (46,0%). Динамик кузатув давомида ЮТЙ паст хавфли деб баҳоланган аёллар орасида фақат 1 ҳолатда (3,7%) йиртилиш қайд этилди, бу эса нотўғри ижобий натижа сифатида баҳоланди. Аксинча, юқори хавф деб баҳоланган гуруҳдаги 12 нафар аёлдан 10 нафарида туғруқ пайтида ЮТЙ ривожланди, бу ҳолатлар 83,3% ни ташкил этиб, тўғри ижобий натижа деб ҳисобланди.

Шунингдек, юқори хавфли деб баҳоланмаган, бироқ ЮТЙ ривожланган ҳолатлар ҳам қайд этилди – 4 нафар аёлда, бу 36,6% ни ташкил этди (нотўғри салбий натижа). Шу тариқа, сўровноманинг махсуслиги 86,8% ва сезувчанлиги 85,1% ни ташкил этди.

Сўровноманинг бир аёл учун иқтисодий самарадорлиги 599 330 сўмни ташкил этди. Умумий йиллик иқтисодий самарадорлик эса 1 198 660 сўмга тенг бўлди. Йиллик иқтисодий самарадорлик коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланди: $\text{Иск} = \text{Ееф} / \text{ССкол} = 3\,872\,625 / 3\,273\,295 = 1,18$.

3 жадвал

Қандли ва гестацион диабет билан оғриган аёлларда ЮТЙ ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлашга мўлжалланган сўровнома

Мэъзонлар	Ха – 1 балл, Йўқ - 0 балл
Туғувчи аёл ёшининг 30 ёшгача бўлиши	
ТВИ 25 дан баланд бўлиши	
Камқонлик	
Сийдик-айирув тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари	
Бачадон ва ортиқларининг яллиғланиш касалликлари	
Сунъий абортлар	
Биринчи туғруқ	
Тезкор ва шиддатли туғруқлар	
Презклампсия	
Муддатидан олдинги туғруқ	
Қоғоноқ сувининг муддатидан олдин кетиши	
Қонда глюкоза миқдорининг 5,1 ммол/л дан баланд бўлиши	
Туғруқнинг I босқичида миометрийнинг қисқарувчанлик фаоллиги - базал тонуснинг 10 мм симоб устунидан юқори бўлиши	
Е.Н. Bishop шкаласи бўйича бачадон бўйни “Етилганлик кўрсаткичи” 8 балл ва ундан паст бўлиши	
Туғруқнинг I босқичида қисқариш кучининг 26,0 мм симоб устунидан паст бўлиши	
Йирик хомила	
Паст хавф гуруҳи: 0-7 балл Юқори хавф гуруҳи 8-15 балл	

Диссертациянинг “Биокимёвий маркерларнинг бачадон мушакларидаги тузилмавий ўзгаришлардаги аҳамияти” деб номланган тўртинчи бобида КД ва ГКД билан оғриган, туғруқ пайтида туғруқ каналининг шикастланиши қайд этилган аёлларда ЛДГ, КФК ва гомоцистеин каби биомаркерларнинг ролини аниқлашга қаратилган тадқиқотнинг кейинги босқичи натижалари келтирилган.

Ушбу бобда, туғруқ фаолияти бошланганидан сўнг бачадон бўйни очилишининг клиник динамикаси билан ЛДГ изоферментлари профили

ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш мақсадида, туғруқдан кейинги 24–30 соат мобайнида онанинг қон зардобиди ЛДГ изоферментлари даражалари ўрганилди. АГдаги аёлларда умумий ЛДГ даражаси ТГга нисбатан 1,6 баробарга, НГга нисбатан 1,9 баробарга юқори эканлиги аниқланди (2-расм).




Изоҳ: * — маълумотларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги ($P < 0,05$); ^ — асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги.

2-расм. ЮТЙ ва углевод алмашинуви бузилиши кузатишган аёлларда қондаги ЛДГ даражаси: қиёсий таҳлил

Тақдим этилган маълумотлар шундан далолат берадики, ЮТЙ ҳолатлари кўпинча қонда ЛДГ юқори даражалари фонида кузатилади.

АГдаги аёлларда углевод алмашинуви бузилиши турига ҚД ва ГҚД қараб ЛДГ даражаси таҳлил қилинганида (3-расм) қуйидаги натижалар аниқланди: ГҚД ҳолатида ЛДГ кўрсаткичи $492,9 \pm 39,7$ Е/л ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ҚД 1-тури ($485,9 \pm 31,1$ Е/л) ва ҚД 2-турига ($433,6 \pm 42,2$ Е/л) нисбатан юқорироқ экани қайд этилди.



3-расм. ЮТЙ кузатишган аёлларда углевод алмашинуви бузилиши турига қараб қондаги ЛДГ даражаси


Қондаги глюкоза ва ЛДГ даражалари ўртасида ишончли тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди ($r = 0,852$; $p = 0,002$). Углевод алмашинуви бузилган аёлларда гомоцистеин миқдори АГ да НГга нисбатан 3,6 баробар, ТГ га нисбатан эса 2,0 баробар юқори экани кўрсатилди. Ўртача даражалар: АГ — $20,8 \pm 1,7$; ТГ — $10,4 \pm 0,37$; НГ — $5,8 \pm 0,21$ мкмол/л (4-расм).



Изоҳ: * — маълумотларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги ($P < 0,05$); ^ — асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги.


4-расм. ЮТЙ ва углевод алмашинуви бузилиши кузатишган аёлларда қондаги гомоцистеин даражаси: қиёсий таҳлил

АГдаги аёлларда гомоцистеин даражасини углевод алмашинуви бузилишининг турларига (ҚД ва ГҚД) қараб таҳлил қилиш натижалари (5-расм) шундан далолат берадики, ҚД 1-турида гомоцистеин даражаси ($23,3 \pm 2,5$ мкмол/л) ГҚД ($20,6 \pm 2,1$ мкмол/л) ва ҚД 2-турига ($18,4 \pm 1,8$ мкмол/л) нисбатан юқорироқ экани аниқланди.



5-расм. ЮТЙ кузатишган аёлларда углевод алмашинуви бузилиши турига қараб қондаги гомоцистеин даражаси

Мушак тўқималарининг қисқариши ва бачадон томонидан ҳомилага бўлган босим таъсири натижасида қонда КФК даражасининг ошиши кузатилади. Ушбу кўрсаткичлар бўйича олинган натижалар 6-расмда келтирилган.



Изоҳ: * — назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05$); ^ — асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги.

6-расм. ЮТЙ ва углевод алмашинуви бузилиши кузатишган ҳомиладор аёлларда қондаги КФК даражаси: қиёсий таҳлил

Диаграммада келтирилган маълумотларга кўра, углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда КФК даражаси 3,2 баробар юқори бўлгани аниқланган. Бу кўрсаткич ЮТЙ ривожланишининг эҳтимолий биомаркери сифатида қаралиши мумкин. Тадқиқотнинг кейинги босқичида КФК даражаси углевод алмашинуви бузилишининг турлари - ҚД 1, ГҚД ва ҚД2 бўйича баҳоланди. Олинган натижаларга кўра, ҚД1 ҳолатида КФК даражаси ($235,5 \pm 21,6$ Е/л; $p < 0,05$) ГҚД ($207,3 \pm 44,2$ Е/л) ва ҚД2 ($192,3 \pm 32,9$ Е/л) ҳолатларига нисбатан аниқ даражада юқори экани кузатилди.

Шунингдек, КФК ва қондаги глюкоза даражалари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ($r = 0,785$; $p = 0,003$).

Тадқиқотнинг кейинги босқичида қондаги ЛДГ, КФК ва гомоцистеин даражалари билан ЮТЙ даражалари ўртасидаги корреляцион муносабат баҳоланди. III даражали йиртилишлар билан қондаги ЛДГ ($r=0,852$; $p=0,003$) ва КФК ($r=0,824$; $p=0,002$) даражалари ўртасида ўртача ва кучли корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Углевод алмашинуви бузилмаган ҳомиладор аёллар орасида КФК даражаси ($r=0,517$; $p=0,002$) ва ЛДГ даражаси ($r=0,492$; $p=0,004$) билан ЮТЙ даражаси ўртасида ўрта ва юқори даражада корреляция аниқланди.

Тадқиқот давомида ЛДГнинг этиопатогенетик аҳамиятини баҳолаш мақсадида қуйидаги статистик кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди: ассоциация коэффиценти (Касс), Пирсоннинг χ^2 тести, нисбий хавф (RR), сезувчанлик (Se) ва махсуслик (Sp). Ҳисоблаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Қонда ЛДГ даражаси 230–250 Е/л оралиғида бўлган ҳолатларда углевод алмашинуви бузилган аёлларда ЮТЙ ривожланиш хавфи учун ўртача даражада махсуслик ($Sp = 72,1\%$) ва паст сезувчанлик ($Se = 62,3\%$) аниқланди. Шу билан бирга, нисбий хавф (RR) 3,0 ни ташкил этди. ЛДГ даражаси 250–350 Е/л бўлганида ушбу кўрсаткичнинг ЮТЙга таъсири қуйидаги ишончли статистик натижалар билан тасдиқланди: ассоциация коэффиценти - Касс = 0,69 ($p<0,01$), $\chi^2=5,22$ ($p<0,05$), нисбий хавф - $RR=4,8$. Бироқ, ушбу диапазонда тестнинг сезувчанлиги ($Se=73,5\%$) ва махсуслиги ($Sp=62,3\%$) ўртача даражадан паст деб баҳоланди.

4 жадвал

Углевод алмашинуви бузилган ҳомиладор аёлларда ЮТЙ ривожланишида қондаги ЛДГ даражасининг диагностик баҳоси

Кўрсаткичлар	ЛДГ микдори		
	230-250 Е/Л	250-350 Е/Л	>360 Е/Л
K_{ass}	0,61, $p<0,01$	0,69, $p<0,01$	0,96, $p<0,001$
χ^2	5,28, $p<0,05$	5,52, $p<0,05$	28,1, $p<0,001$
RR	3,0	4,8	12,2*
S_e (%)	62,3	73,5	89,2
S_p (%)	72,1	62,3	81,1

ЛДГ даражаси 360 Е/л дан юқори бўлган ҳолатларда эса қуйидаги юқори статистик кўрсаткичлар қайд этилди: ассоциация коэффиценти - Касс = 0,96 ($p < 0,001$), $\chi^2 = 28,1$ ($p < 0,001$), нисбий хавф - $RR = 12,2$. Бу ҳолат ЛДГ нинг

юқори даражаси углевод алмашинуви бузилган аёлларда қин ЮТЙ хавфининг кучли предиктори эканлигини кўрсатади.

